ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.FM.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАРИМОВ ШАХОБИДДИН ТУЙЧИБОЕВИЧ

ЭРДЕЙИ-КОБЕР ОПЕРАТОРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ХУСУСИЙ ҲОСИЛАЛИ ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТЕНГЛАМАЛАРГА ТАТБИҚЛАРИ

01.01.02 – Дифференциал тенгламалар ва математик физика (физика-математика фанлари)

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DOCTOR OF SCIENCE) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2019 йил

УДК: 517.95

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Каримов Шахобиддин Туйчибоевич
Эрдейи – Кобер операторлари ва уларнинг хусусий ҳосилали дифференциал тенгламаларга татбиқлари 3

Каримов Шахобиддин Туйчибоевич
Операторы Эрдейи – Кобера и их приложения к дифференциальным уравнениям в частных производных 27

Karimov Shakhobiddin Tuychiboyevich
Erdélyi-Kober operators and their application to partial differential equations …….....……... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works ……....……... 55

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.FM.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАРИМОВ ШАХОБИДДИН ТУЙЧИБОЕВИЧ

ЭРДЕЙИ-КОБЕР ОПЕРАТОРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ХУСУСИЙ ҲОСИЛАЛИ ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТЕНГЛАМАЛАРГА ТАТБИҚЛАРИ

01.01.02 – Дифференциал тенгламалар ва математик физика (физика-математика фанлари)

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DOCTOR OF SCIENCE) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2019 йил

Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/FM8 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (http://fti-kengash.uz/) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	**Уринов Ахмаджон Кушакович** физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Хасанов Ақназар Бекдурдиевич** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Касимов Шакирбай Гаппарович физика-математика фанлари доктори, профессор
	Ҳасанов Анваржон физика-математика фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	**Белгород давлат миллий тадқиқот университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Математика институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.FM.01.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24, факс: (99871) 246-53-21, 246-02-24, e-mail: nauka@nu.uz.)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2019 йил «____» _____куни тарқатилди.
(2019 йил «____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.С.Садуллаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., академик

Ғ.И. Ботиров
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.н.

А.Азамов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси ўринбосари, ф.-м.ф.д., академик

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар бузиладиган ва сингуляр коэффициентли дифференциал тенгламалар учун бошланғич ва чегаравий масалаларни ўрганишни тақозо этмоқда. Бундай тенгламалар синфига қизиқиш ортиши уларнинг ўққа нисбатан симметрик потенциаллар назарияси, Радон алмаштиришлари ва томография, газлар динамикаси ва акустика, гидродинамиканинг суюқликлар оқими назарияси, чизиқлаштирилган Максвелл-Эйнштейн тенгламалари, эластиклик ва пластиклик назарияси масалалари ҳамда бошқа кўпгина амалий масалаларга татбиқ этилиши билан изоҳланади. Бундан ташқари, бундай тенгламаларнинг мураккаблиги ва уларни ечишнинг етарли даражадаги умумий аналитик усуллари тўла шаклланмаганлиги сабабли ушбу тенгламаларга оид тадқиқотларни ривожлантириш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳонда каср тартибли операторларни хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун бошланғич ва чегаравий масалаларни ечишга татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада мақсадли илмий тадқиқотларни, жумладан, қуйидаги йўналишлардаги илмий изланишларни амалга ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади: каср тартибли Эрдейи-Кобер операторларининг янги хоссаларини ўрганиш ва уларни сингуляр коэффициентли хусусий ҳосилали юқори тартибли дифференциал тенгламалар учун масалаларни ечишга қўллаш; кўп ўлчовли умумлашган Эрдейи-Кобер операторини киритиш ва унинг хоссаларини тадқиқ этиш ҳамда уларни сингуляр коэффициентларга эга бўлган кўп ўлчовли хусусий ҳосилали дифференциал тенгламаларга татбиқ этиш. Юқорида келтирилган илмий-тадқиқот йўналишларида бажарилаётган илмий изланишлар мазкур диссертация мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Мамлакатимизда ҳозирги вақтда амалий татбиққа эга бўлган долзарб йўналишлар бўйича тадқиқотларга эътибор кучайтирилмоқда, хусусан, иккинчи ва юқори тартибли сингуляр коэффициентли хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун турли чегаравий масалаларни тадқиқ қилиш, уларни ечишнинг самарали усулларини топишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Дифференциал тенгламалар ва математик физика, функционал анализ, динамик системалар назарияси, амалий математика ва математик моделлаштириш фанлари бўйича ҳалқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш асосий вазифалар ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди[1]. Мазкур вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилган тадқиқотларимиз, сингуляр коэффициентли дифференциал тенгламалар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, улар учун бошланғич ва чегаравий масалаларни ечишга Эрдейи-Кобер операторларини қўллаш самарали усуллардан бири эканлигини кўрсатмоқда.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги «Ўзбекистон республикаси фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 292 - сон қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 17 февралдаги “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2789-сон, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон ва 2018 йил 27 апрелдаги “Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалиётга жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3682-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи[2].

Эрдейи-Кобер операторларининг хоссалари ва уларнинг татбиқларини ўрганиш, сингуляр коэффициентли хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун бошланғич ва чегаравий масалалар ечимларининг мавжудлигини ва ягоналигини исботлаш йўналишлари бўйича хорижий мамлакатларнинг етакчи илмий марказлари ва университетлари, жумладан, Нью-Хейвен, Луизиана, Мериленд университетлари ва Калифорния технологик институти (АҚШ), Эдинбург, Стратклайд ва Кембридж университетлари (Англия), Болгария фанлар академиясининг математика ва информатика институти (Болгария), Анқара университети (Туркия), Россия фанлар академиясининг В.А. Стеклов номидаги математика институти, Россия ФА Сибирь бўлимининг С.Л. Соболев номидаги математика институти, Москва ва Новосибирск давлат университетлари, Қозон (Приволжия) федерал университети, Воронеж ва Самара давлат университетлари, Белгород давлат миллий тадқиқот университети, Россия ФА Кабардин-Балқор илмий маркази амалий математика ва автоматлаштириш институти, Стерлитамак давлат педагогика академияси (Россия) ва бошқа хорижий муассасаларда кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида жаҳон миқёсида бир қанча долзарб масалалар ечилган бўлиб, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: Эрдейи-Кобер операторларининг баъзи интеграл алмаштиришлар ва Бессел оператори билан композициялари исботланган ҳамда бу операторлар нормаларининг баҳоси олинган (Эдинбург университети, Калифорния технологик институти, Белорус давлат университети); ядросида Бессел функцияси қатнашган (умумлашган)

[2] Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: www.webofknowledge.com, www.scopus.com, www.scholar.google.com, www.springer.com, www.mathnet.ru ва бошқа шунга ўхшаш манбалар асосида ишлаб чиқилган.

Эрдейи-Кобер операторлари киритилиб, бу операторларнинг нормалари баҳоланган, интеграл алмаштиришлар ва Бессел оператори билан копозициялари топилган ҳамда улардан фойдаланиб жуфт интеграл тенгламалар, Лаплас тенгламаси учун аралаш чегаравий шартли баъзи масалалар ечилган ва Гельмгольц тенгламасининг фундаментал ечими қурилган (Стратклайд университети, Болгария ФА математика ва информатика институти); ўққа нисбатан симметрик умумлашган потенциаллар назарияси тенгламалари учун бошланғич ва чегаравий масалалар ечилган ҳамда бу масалалар ечимларини Эрдейи-Кобер операторлари билан боғлиқлиги аниқланган, Бессел оператори қатнашган кўп ўлчовли гиперболик тенгламалар учун Коши масаласи ечилган ва ушбу тенгламалар учун Гюйгенс принципи исботланган (Мериленд университети, Россия ФА Сибирь бўлимининг С.Л. Соболев номидаги математика институти, Воронеж давлат университети, Россия ФА Кабардин-Балқор илмий маркази амалий математика ва автоматлаштириш институти); Бессел оператори қатнашган иккинчи тартибли параболик тенгламалар ва Эйлер-Пуассон-Дарбу тенгамаларига ажраладиган юқори тартибли кўп ўлчовли гиперболик типдаги тенгламалар учун Коши масаласи ечилган (Черновицк, Қозоғистон ва Тожикистон миллий университетлари, Мериленд, Анқара университетлари, Москва ва Воронеж давлат университетлари, Белгород давлат миллий тадқиқот университети).

Ҳозирги кунда жаҳонда коэффициентлари махсусликка эга бўлган дифференциал тенгламалар ҳамда математик физиканинг Бессел оператори қатнашган ноклассик тенгламалари учун масалаларни ечишнинг умумий усулларини топиш ва алмаштириш операторлари назариясини қўллаш каби устувор илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Каср тартибли операторларни ўққа нисбатан симметрик умумлашган потенциаллар назариясининг (GASPT – Generalized Axially Symmetric Potential Theory) диффренциал тенгламаларига татбиқини биринчи бўлиб A.Weinstein ўрганган. Сўнгра бу ишлар A. Erdéliy ишларида ривожлантирилган. У A.Weinstein тадқиқотларини давом эттириб, каср тартибли операторларнинг хоссаларини, улар нормаларининг баҳоларини ва Бессел оператори билан композицияларини чуқур ўрганган. A. Erdéliyдан сўнг унинг натижаларини J.S.Lowndes умумлаштирган. У ядросида Бессел функцияси қатнашган (умумлашган) Эрдейи-Кобер операторларини киритган ва уларнинг хоссаларини ўрганган. Олинган натижаларни Лаплас тенгламаси учун аралаш чегаравий шартли масалаларни ечишга ва Гельмгольц тенгламасининг фундаментал ечимини топишга қўллаган. Бундан ташқари у олинган натижалардан фойдаланиб, ўзгармас коэффициентли кўп ўлчовли гиперболик тенглама учун Коши масаласини ечган.

Вақт ўзгарувчиси бўйича Бессел оператори қатнашган гиперболик тенгламалар кўп математикларда қизиқиш уйғотганлиги боис ҳозирги вақтда улар нисбатан кенг ўрганилган. Булар қаторига яна Эйлер – Пуассон – Дарбу (ЭПД) тенгламаси учун Гюйгенс принципини ўрганишга бағишланган барча

ишларни киритиш мумкин. Мазкур тадқиқотлар А.В. Бицадзе, А.М. Нахушев, М.М. Смирнов, С.А. Терсенов, И.А. Киприянов, R. Carroll, R Showalter, Н.Х. Ибрагимов, Н.Ражабов, К.Б. Сабитов, С.А. Алдашев, О.А. Маричев, А.А. Килбас, О.А.Репин, В.В. Катрахов, С.М. Ситник, М.С. Салохитдинов, А.К. Уринов, М. Мирсабуров, Б. Исламов, А.Хасанов ва бошқаларнинг ишларида келтирилган. Фазовий ўзгарувчилар бўйича Бессел оператори қатнашган кўп ўлчовли гиперболик типдаги тенгламалар учун масалалар кам ўрганилган. Бу ерда вазнли ўрта сферик усул қўлланилган Л.Н. Ляхов, И.П. Половинкин ва Э.Л. Шишкиналар ишини ҳамда С.М. Ситник ва Э.Л. Шишкиналар монографиясини айтиб ўтиш мумкин.

Политўлқин тенгламаси учун Коши масаласи A. Weinstein ва D. Krahn ишларида ўрганилган бўлиб, улар томонидан қурилган ечим формуласида катта хажмдаги каррали интеграллар қатнашади. Тўлқин тенгламаларига ажраладиган юқори тартибли дифференциал тенгламалар учун Коши масаласи С.А. Гальперин ва В.Е. Кондрашовлар томонидан ечилган. С.А. Алдашев ушбу масалани политўлқин тенгламаси учун Рисс потенциалларидан фойдаланиб ечган. ЭПД тенгламаларига ажраладиган юқори тартибли кўп ўлчовли гиперболик тенглама учун Коши масаласи С.А. Алдашев ва Л.А. Ивановлар ишларида ечилган.

Бессел оператори қатнашган иккинчи тартибли параболик тенгламалар учун Коши масаласининг классик ва умумлашган ечимлари назарияси В.В. Крехивский, М.И. Матийчук, D. Colton, O. Arena, И.А. Киприянов, В.В. Катрахов, В.М. Ляпин, С.А. Терсенов, С.Д. Ивасишен, В.П. Лавренчук, А.Б. Муравник ва бошқалар ишларида ривожлантирилган. Бессел оператори қатнашган юқори тартибли параболик тенгламалар учун Коши масаласи деярли ўрганилмаган.

Силлиқ коэффициентли бир ўлчовли чизиқли учинчи ва тўртинчи тартибли ноклассик тенгламалар учун турли масалалар ечимларининг мавжудлиги А.П. Солдатов, М.Х. Шхануков, В.И. Жегалов, А.И. Кожанов, С.П. Пулькина, Т.Д. Джураев, А. Сопуев, О.С. Зикиров, А.Н. Миронов, Е.А. Уткина, A. Maher ва бошқалар томонидан исботланган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Фарғона давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасидаги Ф-4-59 «Иккинчи тартибли чизиқли сингуляр коэффициентли хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун бошланғич ва чегаравий масалалар» мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Эрдейи-Кобер операторларидан фойдаланиб, сингуляр коэффициентли ва спектрал параметрли хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун бошланғич ва чегаравий масалаларни ечишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

бир ўлчовли умумлашган Эрдейи-Кобер операторининг янги хоссаларини ўрганиш ва уларни сингуляр коэффициентли ва спектрал параметрли хусусий ҳосилали юқори тартибли дифференциал тенгламалар

учун бошланғич ва чегаравий масалаларни ечишга татбиқ этиш;

кўп ўлчовли умумлашган Эрдейи-Кобер операторини киритиш ва унинг хоссаларини тадқиқ этиш ҳамда бу операторни сингуляр коэффициентларга эга бўлган кўп ўлчовли хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун масалаларни ечишга татбиқ этиш;

Эрдейи-Кобер операторларидан фойдаланиб, бир ва кўп ўлчовли поликалорик тенгламалар учун бошланғич ва чегаравий масалаларни ечиш;

сингуляр коэффициентли ноклассик дифференциал тенгламалар учун масалаларни ечишга Эрдейи-Кобер операторларини татбиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти Эрдейи-Кобер операторлари ҳамда сингуляр коэффициентли ва спектрал параметрли хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалардан иборат.

Тадқиқотнинг предмети Эрдейи-Кобер операторларини тадқиқ этиш ва уларни сингуляр коэффициентли ва спектрал параметрли хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун бошланғич ва чегаравий масалаларни ечишга татбиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда математик физика, каср тартибли ҳосила ва интеграллар назарияси ҳамда махсус функциялар назарияси усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бир ўлчовли умумлашган Эрдейи-Кобер операторининг янги хоссалари топилган ҳамда унинг кўп ўлчовли ҳоли киритилган ва хоссалари исботланган;

барча ўзгарувчилари бўйича Бессел операторлари қатнашган бир, икки ва уч ўлчовли Клейн-Гордон-Фок тенгламаси ва ушбу тенгламанинг вақт ўзгарувчиси бўйича Бессел оператори қатнашган кўп ўлчовли ҳоли учун Коши масаласи ечимининг формуласи топилган;

политўлқин тенгламаси учун Коши масаласи ечимининг формуласи қурилган ва фазовий ўзгарувчиси бўйича Бессел оператори қатнашган итерацияланган бир ўлчовли ҳамда икки ўққа нисбатан симметрик бўлган гиперболик типдаги тенгламалар учун ушбу масала ечимининг формуласи топилган;

вақт ўзгарувчиси бўйича Бессел оператори қатнашган итерацияланган кўп ўлчовли Клейн-Гордон-Фок тенгламаси ва бир жинсли бўлмаган итерацияланган гиперболик тенгламалар учун Коши масаласи ечимини топиш усули ишлаб чиқилган;

барча фазовий ўзгарувчилари бўйича Бессел оператори қатнашган поликалорик тенглама учун бир чегаравий масала ечимининг формуласи топилган;

юқори жуфт тартибли бузиладиган дифференциал тенгламаларнинг бир синфи учун тенглама тартибини икки марта пасайтиришнинг зарурий ва етарли шартлари топилган ва ундан фойдаланиб, Коши масаласи ечимини топиш усули ишлаб чиқилган ҳамда иккита ўзгарувчиси бўйича Бессел оператори қатнашган тўртинчи тартибли дифференциал тенглама учун Гурса масаласи ечилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси Бессел оператори қатнашган дифференциал тенгламалар учун бошланғич ва чегаравий масалаларнинг ошкор кўринишда топилган ечимларини шу математик моделларга келтириладиган жараёнларнинг сифат хусусиятларини аниқлашда ва сонли ҳисоблашларни бажаришда қўлланилишидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги хусусий ҳосилали дифференциал тенгламаларнинг классик назарияси ва каср тартибли интеграл ва дифференциал операторлар назарияси усуллари ёрдамида аниқ математик исботларни амалга оширилганлиги ҳамда математик мулоҳазаларнинг қатъийлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишда олинган илмий натижалардан каср тартибли интегродифференциал операторлар ҳамда хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар назариясини янада ривожлантиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Диссертацияда олинган тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти уларни бузиладиган ва сингуляр коэффициентли дифференциал тенгламаларга келтириладиган амалий масалаларга татбиқ этиш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Эрдейи-Кобер операторлари ва уларнинг хусусий ҳосилали дифференциал тенгламаларга татбиқлари бўйича олинган натижалар асосида:

сингуляр коэффициентли тўрт ўлчовли гиперболик типдаги дифференциал тенглама ҳамда сингуляр Бессел оператори қатнашган бир ўлчовли политўлқин тенгламаси учун Коши масаласи ечимининг формуласи 114030440003 рақамли «Эластиклик ва пластикликнинг фундаментал муаммолари» мавзусидаги хорижий грантида эластиклик ва пластикликнинг математик моделлари бўлган дифференциал тенгламалар учун Коши масаласи ечимини топишда фойдаланилган (Сибирь давлат фан ва технологиялар университетининг 2017 йил 23 ноябрдаги 73/7-5383 сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши баъзи хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун бошланғич шартли масалаларнинг ечимини қуриш имконини берган;

юқори тартибли хусусий ҳосилали дифференциал тенгламаларга қўйилган чегаравий масалаларнинг ошкор кўринишда топилган ечимлари 0115РК00542 рақамли “Энергия диссипациясини ҳисобга олган кўп фазали муҳитларда тўлқин динамикасини математик моделлаштириш (тўғри ва тескари масалалар)” хорижий грантда юқори тартибли дифференциал тенгламалар учун тўғри ва тескари масалаларни ечишда фойдаланилган (Қозоғистон Республикаси Ахборот ва ҳисоблаш технологиялари институтининг 2019 йил 7 февралдаги 01-07/73-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши кўп фазали муҳитларда тўлқин динамикасининг математик моделлари бўлган дифференциал тенгламалар учун масалалар ечимларининг интеграл кўринишини қуриш имконини берган;

каср тартибли Эрдейи-Кобер операторларининг янги хоссалари ҳамда уларни татбиқ этиб, Бессел оператори қатнашган юқори тартибли хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун чегаравий масалаларнинг ечимларини қуриш бўйича олинган натижалар «Каср ҳисоб ва уларнинг татбиқлари» мавзусидаги хорижий илмий-тадқиқот лабораториясининг ишларида каср тартибли дифференциал тенгламалар учун масалалар ечимини қуришда қўлланилган (Камчатка давлат университетининг 2019 йил 06 мартдаги 123-01-01-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши каср тартибли дифференциал тенгламалар учун масалалар ечимининг ошкор кўринишини топиш имконини берган;

Эрдейи-Кобер алмаштириш операторларининг янги хоссалари ҳамда уларни Бессел оператори қатнашган хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун бошланғич ва чегаравий масалаларни ечишга татбиқ этиш усуллари 1.7311.2017/8.9 рақамли «Дифференциал ва псевдодифференциал тенгламалар учун чегаравий масалаларни тадқиқ этиш усулларини ривожлантириш» мавзусидаги хорижий давлат бюртмасидаги лойиҳада хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун баъзи чегаравий масалалар ечимининг мавжудлигини исботлашда қўлланилган (Белгород давлат миллий тадқиқот университетининг 2019 йил 18 мартдаги 7-97-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши чегаравий масалалар ечимининг интеграл кўринишини топиш ва уларни амалий масалаларга тадбиқ этиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 28 та илмий ва илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 20 та халқаро ва 8 та республика илмий ва илмий - амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 48 та илмий иш чоп этилган, жумладан, 20 та илмий мақола, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестатция комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 16 та мақола, булардан 6 таси хорижий ва 10 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 198 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб

берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«Эрдейи-Кобер операторлари ва уларнинг хоссалари»** номли биринчи бобида бир ўлчовли умумлашган Эрдейи-Кобер операторининг янги хоссалари исботланган ҳамда кўп ўлчовли умумлашган Эрдейи-Кобер оператори киритилиб, унинг хоссалари тадқиқ этилган.

Биринчи бобнинг биринчи параграфида каср тартибли интеграл ва ҳосилалар назариясига ҳамда алмаштириш операторларига оид бўлган баъзи маълумотлар келтирилган.

Биринчи бобнинг иккинчи параграфида қуйидаги кўринишдаги

$$J_\lambda(\eta,\alpha)f(x)=\frac{2x^{-2(\alpha+\eta)}}{\Gamma(\alpha)}\int_0^x (x^2-t^2)^{\alpha-1}\bar{J}_{\alpha-1}\left(\lambda\sqrt{x^2-t^2}\right)t^{2\eta+1}f(t))dt \qquad (1)$$

бир ўлчовли умумлашган Эрдейи-Кобер оператори ҳамда бу операторга тескари бўлган қуйидаги операторнинг

$$J_\lambda^{-1}(\eta,\alpha)f(x)=\frac{2x^{-2\eta}}{\Gamma(p-\alpha)}\left(\frac{1}{2x}\frac{d}{dx}\right)^p\int_0^x \frac{\bar{I}_{p-\alpha-1}\left(\lambda\sqrt{x^2-s^2}\right)}{(x^2-s^2)^{\alpha-p+1}}s^{2(\eta+\alpha)+1}f(s)ds \qquad (2)$$

янги хоссалари исботланган, бу ерда $p=[\alpha]+1$, $\bar{J}_\nu(z)=\Gamma(\nu+1)(z/2)^{-\nu}J_\nu(z)$, $\bar{I}_\nu(z)=\bar{J}_\nu(iz)=\Gamma(\nu+1)(z/2)^{-\nu}I_\nu(z)$, $J_\nu(z)$ ва $I_\nu(z)$- мос равишда ҳақиқий ва мавҳум аргументли Бессел функциялари, $\Gamma(\alpha)$-Эйлернинг гамма-функцияси.

Иккинчи параграфда қуйидаги теоремалар исботланган.

1-теорема. Фараз қилайлик, $\alpha>0, \eta\geq-(1/2)$, $f(x)\in C^{2m}(0,b)$, $b>0$ бўлиб, $x^{2\eta+1}[B_\eta^x]^{k+1}f$, $k=\overline{0,m-1}$ функциялар нол нуқта атрофида интегралланучи ва $\lim\limits_{x\to0}x^{2\eta+1}(d/dx)[B_\eta^x]^k f(x)=0$, $k=\overline{0,m-1}$ бўлсин. У ҳолда $[B_{\eta+\alpha}^x+\lambda^2]^m J_\lambda(\eta,\alpha)f(x)=J_\lambda(\eta,\alpha)[B_\eta^x]^m f(x)$ ёки $[B_{\eta+\alpha}^x]^m J_\lambda(\eta,\alpha)f(x)=$ $=J_\lambda(\eta,\alpha)[B_\eta^x-\lambda^2]^m f(x)$ тенгликлар, хусусан, агар $\lambda=0$ бўлса, $[B_{\eta+\alpha}^x]^m I_{\eta,\alpha}f(x)=I_{\eta,\alpha}[B_\eta^x]^m f(x)$ тенглик ўринли бўлади, бу ерда $I_{\eta,\alpha}=J_0(\eta,\alpha)$, $m=0,1,2,...$, $[B_\eta^x]^0=E$, E- бирлик оператор, $[B_\eta^x]^m=[B_\eta^x]^{m-1}[B_\eta^x]$ эса ушбу $B_\eta^x\equiv(d^2/dx^2)+[(2\eta+1)/x](d/dx)$ Бессел операторининг m-чи даражаси.

Айтайлик, $m=1,2,...$, $x=(x_1,x_2,\ldots,x_n)\in R^n$ ва $\Omega\subset R^n$, $L^{(x)}$- $x\in R^n$ ўзгарувчининг (y ўзгарувчига боғлиқ бўлмаган) l - тартибли чизиқли дифференциал оператори бўлсин. M орқали $\Omega\times\{y\geq0\}$ соҳада y бўйича $2m-1$ марта ва x бўйича $lm-1$ марта, $\Omega\times\{y>0\}$ соҳада эса y бўйича $2m$ марта ва x бўйича lm марта узлуксиз дифференциалланувчи $u(x,y)=u(x_1,x_2,\ldots,x_n,y)$ функциялар синфини белгилайлик.

2-теорема. Фараз қилайлик, $\alpha>0, \eta\geq-(1/2)$ ва $u(x,y)\in M$ бўлиб, $y^{2\eta+1}[B_\eta^y]^{k+1}u(x,y)$, $k=\overline{0,m-1}$ функциялар координата боши атрофида

интегралланувчи ва $\lim\limits_{y\to 0} y^{2\eta+1}(\partial/\partial y)[B_\eta^y]^k u(x,y)=0$, $k=\overline{0,m-1}$ бўлсин. У ҳолда $(B_{\eta+\alpha}^y+\lambda^2\pm L^{(x)})^m J_\lambda^{(y)}(\eta,\alpha)u(x,y)=J_\lambda^{(y)}(\eta,\alpha)(B_\eta^y\pm L^{(x)})^m u(x,y)$ тенглик, хусусан, агар $\lambda=0$ бўлса, $(B_{\eta+\alpha}^y\pm L^{(x)})^m I_{\eta,\alpha}^{(y)}u(x,y)=I_{\eta,\alpha}^{(y)}(B_\eta^y\pm L^{(x)})^m u(x,y)$ тенглик ўринли бўлади, бу ерда операторлардаги юқори индекслар бу операторлар таъсир этаётган ўзгарувчиларни билдиради.

3-теорема. Агар $p\in N$, $p-1\le\alpha<p$, $\eta\ge -1/2$, $g(x)\in C^{2m}(0,b)$, $b>0$ бўлиб, $x^{2(\eta+\alpha)+1}[B_{\eta+\alpha}^x]^{k+1}g(x)$, $k=\overline{0,m-1}$ функциялар нол нуқта атрофида интегралланувчи ва $\lim\limits_{x\to 0} x^{2(\eta+\alpha)+1}(d/dx)[B_{\eta+\alpha}^x]^k g(x)=0,\quad k=\overline{0,m-1}$ бўлса, у ҳолда $\left[B_\eta^x\right]^m J_\lambda^{-1}(\eta,\alpha)g(x)=J_\lambda^{-1}(\eta,\alpha)\left[B_{\eta+\alpha}^x+\lambda^2\right]^m g(x)$, $\left[B_\eta^x-\lambda^2\right]^m J_\lambda^{-1}(\eta,\alpha)g(x)=$ $=J_\lambda^{-1}(\eta,\alpha)\left[B_{\eta+\alpha}^x\right]^m g(x)$ тенгликлар, хусусан, агар $\lambda=0$ бўлганда қуйидаги тенглик ўринли бўлади: $\left[B_\eta^x\right]^m I_{\eta,\alpha}^{-1}g(x)=I_{\eta,\alpha}^{-1}\left[B_{\eta+\alpha}^x\right]^m g(x)$.

4-теорема. Айтайлик, $\alpha>0,\ \eta\ge -(1/2)$, $f(x)\in C^m(0,b),\ b>0$ бўлиб, $x^{2\eta+1}D_\eta^{k+1}f(x)$, $k=\overline{0,m-1}$ функциялар нол нуқта атрофида интегралланувчи ва $\lim\limits_{x\to 0} x^{2\eta}D_\eta^k f(x)=0,\ k=\overline{0,m-1}$ бўлсин. У ҳолда $D_{\eta+\alpha}^m J_\lambda(\eta,\alpha)f(x)=$ $=J_\lambda(\eta,\alpha)D_\eta^m f(x)$ тенглик ўринли бўлади, бу ерда $D_\eta^0=E$, $D_\eta^m=D_\eta^{m-1}D_\eta$ эса $D_\eta=x^{-2\eta}\left(d/xdx\right)x^{2\eta}$ операторнинг ушбу $D_\eta^m=x^{-2\eta}\left(d/xdx\right)^m x^{2\eta}$ кўринишдаги m-чи даражаси.

5-теорема. Фараз қилайлик, $\alpha>0,\eta\ge -1/2$, $f(x)\in C^{2m}(0,b),\ b>0$ бўлиб, $x^{2\eta+1}[B_\eta^x]^{k+1}f(x)$, $k=\overline{0,m-1}$ функциялар нол нуқта атрофида интегралланувчи ва $\lim\limits_{x\to 0} x^{2\eta+1}(d/dx)[B_\eta^x]^k f(x)=0$, $k=\overline{0,m-1}$ бўлсин. У ҳолда

$$\frac{d^{2m}}{dx^{2m}}J_\lambda(\eta,\alpha)f(x)=\sum_{j=0}^{m}a_{mj}x^{2j}J_\lambda(\eta,\alpha+m+j)\left(B_\eta^x-\lambda^2\right)^{m+j}f(x),$$

$$\frac{d^{2m+1}}{dx^{2m+1}}J_\lambda(\eta,\alpha)f(x)=\sum_{j=0}^{m}b_{mj}x^{2j+1}J_\lambda(\eta,\alpha+m+j+1)\left(B_\eta^x-\lambda^2\right)^{m+j+1}f(x)$$

тенгликлар ўринли бўлади, бу ерда a_{mj} ва b_{mj} ўзгармаслар ушбу $a_{00}=1,\ b_{00}=1/2$, $b_{mj}=(1/2)a_{mj}+\quad+2(j+1)a_{m(j+1)}$, $0\le j\le m$, $a_{mj}=0,\ j>m$, $a_{(m+1)j}=(1/2)b_{m(j-1)}+(2j+1)b_{mj}$, $1\le j\le m$, $b_{mj}=0,\ j>m$, $a_{(m+1)0}=b_{m0}=$ $=2^{-(m+1)}(2m+1)!!$ рекуррент муносабатлардан аниқланади.

6-теорема. Агар $\alpha>0,\eta\ge -1/2$, $f(x)\in C^{2m-1}[0,b]\cap C^{2m}(0,b)$, $b>0$ бўлиб, $\lim\limits_{x\to 0}[B_\eta^x]^k f(x)=c_k$, $c_k=const$ ва $\lim\limits_{x\to 0} x^{2\eta+1}\dfrac{d}{dx}[B_\eta^x]^k f(x)=0$, $k=\overline{0,m-1}$ бўлса, у ҳолда қуйидаги тенгликлар ўринли бўлади:

$$[B^{x}_{\eta+\alpha}]^m J_\lambda(\eta,\alpha) f(x)\Big|_{x=0} = \frac{(\alpha+\eta+1)_m}{(1/2)_m}\frac{d^{2m}}{dx^{2m}} J_\lambda(\eta,\alpha) f(x)\Bigg|_{x=0},$$

$$\frac{d}{dx}[B^{x}_{\eta+\alpha}]^m J_\lambda(\eta,\alpha) f(x)\Big|_{x=0} = 0,\ \frac{d^{2m+1}}{dx^{2m+1}} J_\lambda(\eta,\alpha) f(x)\Bigg|_{x=0} = 0,$$

хусусан, агар $\lambda = 0$ бўлса, $I_{\eta,\alpha}$ учун шунга ўхшаш формула ўринли бўлади.

Иккинчи бобнинг учинчи параграфида ушбу кўринишдаги

$$J_\lambda\begin{pmatrix}\alpha\\ \eta\end{pmatrix} f(x) = J_{\lambda_1,\lambda_2,\dots,\lambda_n}\begin{pmatrix}\alpha_1,\alpha_2,\dots,\alpha_n\\ \eta_1,\eta_2,\dots,\eta_n\end{pmatrix} f(x) =$$

$$= \prod_{k=1}^{n}\left[\frac{2x_k^{-2(\alpha_k+\eta_k)}}{\Gamma(\alpha_k)}\right]\int_0^{x_1}\int_0^{x_2}\dots\int_0^{x_n}\prod_{k=1}^{n}\left[t_k^{2\eta_k+1}\left(x_k^2-t_k^2\right)^{\alpha_k-1}\right]\overline{J}_{\alpha_k-1}\left(\lambda_k\sqrt{x_k^2-t_k^2}\right) f(t)dt_1dt_2\dots dt_n \quad (3)$$

кўп ўлчовли умумлашган Эрдейи-Кобер оператори ҳамда унга тескари бўлган ушбу

$$J_\lambda^{-1}\begin{pmatrix}\alpha\\ \eta\end{pmatrix} f(x) = J_{i\lambda}\begin{pmatrix}-\alpha\\ \eta+\alpha\end{pmatrix} f(x) = J_{i\lambda_1,i\lambda_2,\dots,i\lambda_n}\begin{pmatrix}-\alpha_1, & -\alpha_2, & \dots, & -\alpha_n\\ \eta_1+\alpha_1, & \eta_2+\alpha_2, & \dots, & \eta_n+\alpha_n\end{pmatrix} f(x) =$$

$$= 2^{n-|m|}\prod_{k=1}^{n}\left[\frac{x_k^{-2\eta_k}}{\Gamma(m_k-\alpha_k)}\left(\frac{1}{x_k}\frac{\partial}{\partial x_k}\right)^{m_k}\right]\int_0^{x_1}\int_0^{x_2}\dots\int_0^{x_n}\prod_{k=1}^{n}[t_k^{2(\eta_k+\alpha_k)+1}\times$$

$$\times\left(x_k^2-t_k^2\right)^{m_k-\alpha_k-1}]\overline{I}_{m_k-\alpha_k-1}\left(\lambda_k\sqrt{x_k^2-t_k^2}\right) f(t_1,t_2,\dots,t_n)dt_1dt_2\dots dt_n, \quad (4)$$

оператор киритилган ва уларнинг хоссалари ўрганилган, бу ерда $\alpha_k > 0$, $m_k = [\alpha_k]+1$, $\eta_k \ge -1/2$, $k=\overline{1,n}$, $x=(x_1,x_2,\dots,x_n)\in R^n$.

Учинчи параграфда қуйидаги теоремалар исботланган.

7-теорема. Фараз қилайлик, $\alpha_k > 0,\ \eta_k \ge -1/2,\ k=\overline{1,n}$, $f(x)\in C^2(\Omega^n)$ бўлиб, $x_k^{2\eta_k+1}B^{x_k}_{\eta_k} f(x)$, $k=\overline{1,n}$ функциялар координата боши атрофида интегралланувчи ва $\lim\limits_{x_k\to 0} x_k^{2\eta_k+1} f_{x_k}(x) = 0$, $k=\overline{1,n}$ бўлсин. У ҳолда $(B^{x_k}_{\eta_k+\alpha_k}+\lambda_k^2)J_\lambda\begin{pmatrix}\alpha\\ \eta\end{pmatrix} f(x) = J_\lambda\begin{pmatrix}\alpha\\ \eta\end{pmatrix} B^{x_k}_{\eta_k} f(x)$ тенгликлар, хусусан, агар $\lambda_k = 0$ бўлса, $B^{x_k}_{\eta_k+\alpha_k} J_0\begin{pmatrix}\alpha\\ \eta\end{pmatrix} f(x) = J_0\begin{pmatrix}\alpha\\ \eta\end{pmatrix} B^{x_k}_{\eta_k} f(x)$, $k=\overline{1,n}$ тенгликлар ўринли бўлади, бу ерда $\Omega^n = (0,b_1)\times(0,b_2)\times\dots\times(0,b_n)$, $b_k\in R,\ b_k>0,\ k=\overline{0,n}$.

7 - теоремадан қуйидаги натижа келиб чиқади.

1-натижа. Айтайлик, 7 теореманинг шартлари бажарилсин. У ҳолда

$$\sum_{k=1}^{n}\left[B^{x_k}_{\eta_k+\alpha_k}+\lambda_k^2\right]J_\lambda\begin{pmatrix}\alpha\\ \eta\end{pmatrix} f(x) = J_\lambda\begin{pmatrix}\alpha\\ \eta\end{pmatrix}\sum_{k=1}^{n}\left[B^{x_k}_{\eta_k}\right] f(x),$$

тенглик, хусусан, агар $\eta_k = -1/2, k=\overline{1,n}$ бўлса,

$$\sum_{k=1}^{n}\left[B_{\alpha_k-1/2}^{x_k}+\lambda_k^2\right]J_\lambda\begin{pmatrix}\alpha\\-1/2\end{pmatrix}f(x)=J_\lambda\begin{pmatrix}\alpha\\-1/2\end{pmatrix}\Delta f(x)$$

тенглик ўринли бўлади, бу ерда Δ - кўп ўлчовли Лаплас оператори.

8-теорема. Агар $\alpha_k>0,\ \eta_k\geq -1/2,\ k=\overline{1,n}$, $f(x)\in C^{2n}(\Omega^n)$ бўлиб, $x_k^{2\eta_k+1}B_{\eta_k}^{x_k}f(x)$, $k=\overline{1,n}$ функциялар координата боши атрофида интегралланувчи ва $\lim\limits_{x_k\to 0}x_k^{2\eta_k+1}f_{x_k}(x)=0$, $k=\overline{1,n}$ бўлса, у ҳолда ушбу $\prod\limits_{k=1}^{n}(B_{\eta_k+\alpha_k}^{x_k}+\lambda_k^2)J_\lambda\begin{pmatrix}\alpha\\\eta\end{pmatrix}f(x)=J_\lambda\begin{pmatrix}\alpha\\\eta\end{pmatrix}\prod\limits_{k=1}^{n}B_{\eta_k}^{x_k}f(x)$ тенглик, хусусан, агар $\eta_k=-1/2$, $k=\overline{1,n}$ бўлса, $\prod\limits_{k=1}^{n}\left[B_{\alpha_k-(1/2)}^{x_k}+\lambda_k^2\right]J_\lambda\begin{pmatrix}\alpha\\\eta\end{pmatrix}f(x)=J_\lambda\begin{pmatrix}\alpha\\\eta\end{pmatrix}\dfrac{\partial^{2n}f(x)}{\partial x_1^2\partial x^2\ldots\partial x_n^2}$ тенглик ўринли бўлади.

Айтайлик, $m_k\in N\cup\{0\}$, $\left[B_{\eta_k}^{x_k}\right]^0=E$, $\left[B_{\eta_k}^{x_k}\right]^{m_k}=\left[B_{\eta_k}^{x_k}\right]^{m_k-1}\left[B_{\eta_k}^{x_k}\right]$, $k=\overline{0,n}$ бўлсин.

9-теорема. Агар $\alpha_k>0,\ \eta_k\geq -1/2,\ k=\overline{1,n}$, $f(x)\in C^{2m_0}(\Omega^n)$, $m_0=\max\{m_1,m_2,\ldots,m_n\}$ бўлиб, $x_k^{2\eta_k+1}\left[B_{\eta_k}^{x_k}\right]^{p_k+1}f(x)$, $p_k=\overline{0,m_k-1}$, $k=\overline{1,n}$ функциялар координата боши атрофида интегралланувчи ва $\lim\limits_{x_k\to 0}x_k^{2\eta_k+1}\dfrac{\partial}{\partial x_k}\left[B_{\eta_k}^{x_k}\right]^{p_k}f(x)=0$, $p_k=\overline{0,m_k-1}$, $k=\overline{1,n}$ бўлса, у ҳолда $\left[B_{\eta_k+\alpha_k}^{x_k}+\lambda_k^2\right]^{m_k}J_\lambda\begin{pmatrix}\alpha\\\eta\end{pmatrix}f(x)=J_\lambda\begin{pmatrix}\alpha\\\eta\end{pmatrix}\left[B_{\eta_k}^{x_k}\right]^{m_k}f(x),\ k=\overline{1,n}$ тенгликлар ўринлидир.

10-теорема. Айтайлик, $\alpha_k>0,\ \eta_k\geq -1/2,\ k=\overline{1,n}$, $f(x)\in C^{2q}(\Omega^n)$, $q\in N$ бўлиб, $x_k^{2\eta_k+1}\left[B_{\eta_k}^{x_k}\right]^{l+1}f(x)$, $l=\overline{0,q-1}$, $k=\overline{1,n}$ функциялар координата боши атрофида интегралланувчи ва $\lim\limits_{x_k\to 0}x_k^{2\eta_k+1}\dfrac{\partial}{\partial x_k}\left[B_{\eta_k}^{x_k}\right]^{l}f(x)=0$, $l=\overline{0,q-1}$, $k=\overline{1,n}$ бўлсин. У ҳолда $\left[\sum\limits_{k=1}^{n}\left(B_{\eta_k+\alpha_k}^{x_k}+\lambda_k^2\right)\right]^q J_\lambda\begin{pmatrix}\alpha\\\eta\end{pmatrix}f(x)=J_\lambda\begin{pmatrix}\alpha\\\eta\end{pmatrix}\left[\sum\limits_{k=1}^{n}B_{\eta_k}^{x_k}\right]^q f(x)$ тенглик ўринли бўлади.

Айтайлик, $L^{(y)}$ - $y=(y_1,y_2,\ldots,y_s)\in R^s$ ўзгарувчининг ($x=(x_1,x_2,\ldots,x_n)$ ўзгарувчига боғлиқ бўлмаган) $l\in N$ тартибли чизиқли дифференциал оператори бўлсин.

11-теорема. Фараз қилайлик, $\alpha_k>0,\ \eta_k\geq -1/2,\ k=\overline{1,n}$, $q\in N$, $f(x,y)\in C_{x,y}^{2q,lq}(\Omega^n\times\Omega^s)$ бўлиб, $x_k^{2\eta_k+1}\left[B_{\eta_k}^{x_k}\right]^{j+1}f(x,y)$, $j=\overline{0,q-1}$, $k=\overline{1,n}$ функциялар координата боши атрофида интегралланувчи ва

$\lim\limits_{x_k\to 0} x_k^{2\eta_k+1}\dfrac{\partial}{\partial x_k}\left[B_{\eta_k}^{x_k}\right]^j f(x,y)=0$, $j=\overline{0,q-1}$, $k=\overline{1,n}$ бўлсин. У ҳолда қуйидаги тенглик ўринли бўлади:

$$\left[\sum_{k=1}^{n}\left(B_{\eta_k+\alpha_k}^{x_k}+\lambda_k^2\right)\pm L^{(y)}\right]^q J_\lambda^{(x)}\begin{pmatrix}\alpha\\ \eta\end{pmatrix} f(x,y)=J_\lambda^{(x)}\begin{pmatrix}\alpha\\ \eta\end{pmatrix}\left[\sum_{k=1}^{n}B_{\eta_k}^{x_k}\pm L^{(y)}\right]^q f(x,y).$$

12-теорема. Агар $\alpha_k>0,\ \eta_k\ge -(1/2),\ k=\overline{1,n}$, $m_0=\max\{m_1,m_2,\ldots,m_n\}$, $f(x)\in C^{m_0}(\Omega^n)$ бўлиб, $x_{x_k}^{2\eta_k+1}[D_{\eta_k}^{x_k}]^{l_k+1}f(x)$, $l_k=\overline{0,m_k-1},\ k=\overline{1,n}$ функциялар координата боши атрофида интегралланувчи ва $\lim\limits_{x_k\to 0} x_k^{2\eta_k}[D_{\eta_k}^{x_k}]^{l_k} f(x)=0$, $l_k=\overline{0,m_k-1},\ k=\overline{1,n}$ бўлса, у ҳолда қуйидаги тенгликлар ўринли бўлади:

$$[D_{\eta_k+\alpha_k}^{x_k}]^{m_k} J_\lambda\begin{pmatrix}\alpha\\ \eta\end{pmatrix} f(x)=J_\lambda\begin{pmatrix}\alpha\\ \eta\end{pmatrix}[D_{\eta_k}^{x_k}]^{m_k} f(x),\ k=\overline{1,n}.$$

13-теорема. Айтайлик, $q=(q_1,q_2...q_n)$, $q_k\in N$, $q_k-1<\alpha_k<q_k$, $\eta_k\ge -1/2$, $k=\overline{1,n}$, $p\in N$, $g(x)\in C^{2p}(\Omega^n)$ бўлиб, $\dfrac{\partial}{\partial x_k}\left[B_{\eta_k}^{x_k}\right]^l g(x)$, $l=\overline{0,p-1}$, $k=\overline{1,n}$ функциялар координата боши атрофида интегралланувчи ва $\lim\limits_{x_k\to 0} x_k^{2(\eta_k+\alpha_k)+1}\dfrac{\partial}{\partial x_k}\left[B_{\eta_k+\alpha_k}^{x_k}\right]^l g(x)=0$, $l=\overline{0,p-1}$, $k=\overline{1,n}$ бўлсин. У ҳолда $\left[B_{\eta_k}^{x_k}-\lambda_k^2\right]^p J_\lambda^{-1}\begin{pmatrix}\alpha\\ \eta\end{pmatrix}g(x)=J_\lambda^{-1}\begin{pmatrix}\alpha\\ \eta\end{pmatrix}\left[B_{\eta_k+\alpha_k}^{x_k}\right]^p g(x)$ ёки $\left[B_{\eta_k}^{x_k}\right]^p J_\lambda^{-1}\begin{pmatrix}\alpha\\ \eta\end{pmatrix}g(x)=$ $=J_\lambda^{-1}\begin{pmatrix}\alpha\\ \eta\end{pmatrix}\left[B_{\eta_k+\alpha_k}^{x_k}+\lambda_k^2\right]^p g(x),\ k=\overline{1,n}$, хусусан, агар $\lambda_k=0$ бўлса, қуйидаги тенгликлар ўринли бўлади:

$$\left[B_{\eta_k}^{x_k}\right]^p J_0^{-1}\begin{pmatrix}\alpha\\ \eta\end{pmatrix}g(x)=J_0^{-1}\begin{pmatrix}\alpha\\ \eta\end{pmatrix}\left[B_{\eta_k+\alpha_k}^{x_k}\right]^p g(x),\ k=\overline{1,n}.$$

2-натижа. Агар 13 - тереманинг шартлари бажарилса, у ҳолда $\left[\sum\limits_{k=1}^{n}B_{\eta_k}^{x_k}\right]^p J_\lambda^{-1}\begin{pmatrix}\alpha\\ \eta\end{pmatrix}g(x)=J_\lambda^{-1}\begin{pmatrix}\alpha\\ \eta\end{pmatrix}\left[\sum\limits_{k=1}^{n}\left(B_{\eta_k+\alpha_k}^{x_k}+\lambda_k^2\right)\right]^p g(x)$ тенглик, хусусан, агар $\lambda_k=0$, $\eta_k=-(1/2)$, $k=\overline{0,m-1}$ бўлса, қуйидаги тенглик $\Delta^p J_0^{-1}\begin{pmatrix}\alpha\\ -1/2\end{pmatrix}g(x)=J_0^{-1}\begin{pmatrix}\alpha\\ -1/2\end{pmatrix}\Delta_B^p g(x)$ ўринли бўлади, бу ерда Δ^p- Лаплас операторининг p-чи даражаси, $\Delta_B^p=\left[\sum\limits_{k=1}^{n}\left(B_{\alpha_k-(1/2)}^{x_k}\right)\right]^p$.

Диссертациянинг «**Бессел оператори қатнашган Клейн – Гордон – Фок тенгламаси учун Коши масаласи**» деб номланган иккинчи бобида барча ўзгарувчилари бўйича Бессел оператори қатнашган қуйидаги умумий

Клейн-Гордон-Фок тенгламаси

$$L^{\lambda}_{\beta,\alpha}(u) \equiv \frac{\partial^2 u}{\partial t^2} + \frac{2\beta}{t}\frac{\partial u}{\partial t} - \sum_{k=1}^{n}\left(\frac{\partial^2 u}{\partial x_k^2} + \frac{2\alpha_k}{x_k}\frac{\partial u}{\partial x_k}\right) + \lambda^2 u = 0 \qquad (5)$$

қаралган бўлиб, бу ерда $u = u(x,t)$, $x = (x_1, x_2, \ldots, x_n) \in R^n$, $t \in R, t > 0$, $\alpha = (\alpha_1, \alpha_2, \ldots, \alpha_n) \in R^n$, $\beta, \alpha_k, \lambda \in R$, бунда $0 < \beta < 1/2$, $0 < \alpha_k < 1$, $k = \overline{1,n}$.

Агар (5) тенгламада $\beta = 0, \alpha_k = 0, k = \overline{1,n}$ бўлса, у квант механикасининг элементар заррачалар назариясидаги Клейн-Гордон-Фок тенгламаси деб аталувчи гиперболик типдаги тенгламага келади. Бу бобда $\Omega_n = \{\ (x,t):\ x \in R^n, t \in R,\ x_k > t > 0,\ k = \overline{1,n}\ \}$ соҳада (5) тенглама учун $n = 1,2,3$ ҳамда $n > 1,\ \alpha_k = 0, k = \overline{1,n}$ бўлганда Коши масаласи тадқиқ этилади.

Коши масаласи. Ω_n соҳада (5) тенгламанинг қуйидаги бошланғич

$$u(x,0) = \tau(x),\ x \in \bar{R}^n_+;\quad \lim_{t\to 0} t^{2\beta} u_t(x,t) = \nu(x),\ x \in R^n_+ \qquad (6)$$

